

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

Барча педагогик таълим ("Бакалавр")

йўналишлари учун.

ИЙМОН - ЭЪТИҚОД ТАРБИЯСИ

Қўқон 2003 йил

Тузувчилар: Юсупов М.М.
- Умумий педагогика кафедраси уқитувчи.

ИЙМОН - ЭЪТИҚОД ТАРБИЯСИ

Р Е Ж А

1. Иймон - эътикод тушунчалари
2. Иймон одамларни инсоф-диенатга, ростгуйлик, ва халолликка, меҳр-мухаббатга чорловчи олам.
3. Куръони Карим ва Хадиси Шарифа иймон-эътикод хакида.

1. Иймон - арабча суз булиб, лугавий маъноси - ишончдир. Шариатда эса каноб пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом Аллох таоло тарафидан келтири келтирилган барча хабарларига тил билан икром этиб, дил билан тасдиқлашга иймон дейилади, яъни Куръони Карим ва Хадиси шарифлар оркали Аллох тугрисида, жаннат ва дузах, киёмат каби гайбий нарчалар хакида берилган хабарларга ишонч-иймондир.

Ишониб иймон - келтириш хар бир мумин-мусулмонга зарур булган энг асосий нарсаларнинг етти ададга кискартирилган шакли бор. У иймон муфассал дейилади. Иймони муфассалнинг узбекчаси шундай: Иймон келтирдим Аллохга, унинг фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига, киёмат кунига, яхши-ёмон ва улгандан кейин тирилтиришига. Булар иймоннинг энг асосий рукнлари - устунлари хисобланади. Шу билан оят ва хадисларда берилган бошка нарсаларга хам ишониб иймон келтириш шартдир.

Аллохни инкор этиш ёки унга ширк келтиришдан кура катта гунох булмагани дек, унга иймон келтиришдан кура катта савобли иш хам йукдир. Хайрли, савобли ишлар солик амаллар амаллар килинганда мусулмон кишининг иймони зиёда булади, яъни иймоннинг нури янада равшанлашади.

Гунох ишлар килинганда эса иймон нури хиралашади.

Мусулмон булишни истаган хар бир одам "Ла илаха иллаллоху Мухаммадун Расулуллох" деб узини ислом динига кирганини эълон килса, у бешак мусулмон хисобоанаверади. Урф-одатимиз буйича ислом динидаги одамни мумин деб хам, мусулмон деб хам атайверамиз. Лугавий маъноси буйича мумин-бу ишонувчи, мусулмон-мусулмончиликка амал килиб, ибодатларни бажарувчи демакдир.

Мумин-мусулмон дейиш ва шундай булиш янада дурустдир. Калбида иймони булмаган одам хар канча савобли иш килса хам унга савоб ёзилмади. Ибодат ва солик амалларнинг кабул булиши учун иймоннинг булиши шартдир.

Кискача килиб, айтсак, уч нарсани бутунлигидан иймон хосил булади: эътикод, икром ва амал.

Эътикод-динга ичдан чукур ишониш;
икром-сузда буни тан олиш;
Амал-яхши ишлар билан исботлаш.

Эътикод бу уз фикри ва карашларига маҳкам, собит кадамлик билан ишониш ва узгаларни ҳам узидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимийт билан ишонишдир. Эътикодли одам энг аввало ёлгон гапирмайди. Ёлгон сузламагн одам узгаларни ҳам ростгуй деб билади. Лафзида турмайдиган кимсани бебурд деб ҳисоблаб, ундайлардан ҳазар килади.

Эътикод тушунчаси инсон ҳаётининг маъносини, унинг узига ҳослигини ва моҳиятини англаш билан боғлиқдир. Инсон бошқа маҳлуқотдан фарқ қилиб, онга, уз-узини англаш қобилиятига эгадир. шўу туфайли илмга интилиш, уз ҳаётининг мақсад ва мазмунини билишга тиришиш, гузаллик яратишга, ҳар томонлама барқамол бўлишга уриниш барча давр ва миллат кишиларига ҳос бўлган умум-инсоний, боқий фазилатлардир.

Бу умуман инсон моҳиятига ҳос нарса бўлиб, у бу ёруғ оламда нима учун яшаётганини англашга, келажакига замин ҳозирлашга интилади. Ҳар бир соғлом фикрли одам, инсониятнинг умр боқийлигини идрок этади ва узидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдириб қетишни истади.

Шундай қилиб чиқиб, умрининг мақсади ва мазмунини белгилайди. Худди шў нарса унинг эътикодини ифодалайди. Эътикод журъатни, мардликни, фидойиликни тақозо қилади. Иймон ва илмий далилар ҳар қандай инсон фълида қандайдир мутлоқ қодир қуч борлигига ишонч туйғуси мавжуд.

Бу ақлнинг самараларидан биридир. Борлиққа назар қолинса ва қоинотдаги нарсалар синчиклаб урганилса, барча нарсалар уз-узидан пайдо бўлиб қолмаганининг, балки улар бир яратувчи томонидан яратилганининг гувоҳи бўламиз. Инсоният тарихи ва тафаккур таракқиёти тарихи урганилса яраталувчи қучга бўлган эътикод уша яратувчининг борлигига қурсатиладиган далиллардан олдин вужудга қелгани айн бўлади.

Умуман яратувчига нисбатан ақлоанинг пайдо бўлган вақтини аниқлаш қийин. Зеро, ақила одамда бошқа билимлар қатори узимиз сезмаган қолда пайдо бўлган. Қадимий инсон Аллоҳга бўлган эътиқоди ривожлана борқандан сунг Аллоҳ пайғамбарларини одамларга тугри йўлни қурсатиш учун учун даъват этиб, уларни муъжизалар билан қуллаб-қуватлади.

Муқиза инсоннинг қудрати етмайдиган одатдан ташқари амаллар бўлиб, уни қургандан сунггина одамлар пайғамбарларнинг ҳақиқий аллоҳнинг элчилари эканлигига ишонганлар. Исломда эса инсонларни Аллоҳида ишонтириш учун ақлни ишга солиш услуби қулланган. Бу қолат бошқа динларда учрамайди. Қуръон оятлари ҳам Аллоҳга иймон қелтириш учун ақлий далилларга суянишга қақирган.

Инсон доимо узининг ақлидан қучли ақл ва узининг маҳоратидан қучли маҳорат борлигини сезиб туради. Мана шўнинг узи ҳам Аллоҳга бўлган ишонга - иймонга олиб қелади. Инсон моддий далилар билан Аллоҳнинг борини исботлаш қийин. Шўнинг учун ҳам Аллоҳнинг борлигига тулик ишониш учун моддий далилларнинг ёнида рухий далиллар ҳам бўлмоғи қерак, яъни бу қенг борлиқдаги моддий нарсалар тугрисидаги

маълумотларимизни узимиздаги муаммоли хис туйгулар, меҳр муҳаббат ва турли сезгилар билан аралаштирганимизда тулик иймонга эришамиз.

2. Ислом оламидаги барча буюк зотлар раиятни иймонли булишига чорлаб келганлар ва узлари ҳам мустаҳкам иймонли булиш бобида халкка ибрат курсатганлар. Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-кулуб" асарида ушбу сатрларни укиймиз: "Вафосизда ҳаё йук, ҳаёсизда қафо йук", "Хар кимда бу икки йук - иймон йук ва хар кимда иймон йук-андин одабийлик келмак имҳони йук". Яъни иймонимиз - одам эмас.

Тилимизда иймон сузи кенг кулланилади, жуда кучли ва уткир тушунчаларни билдиради. Халкимизда "Иймонсиз" дейишдан ортиқ ҳақорат бўлмаса керак. Бу ҳақорат замирида ҳудоба ишонч - эътиқоди йук, ҳудобан, диндан қайтган, даҳрий маъноларидан ташқари виждонсиз, виждонфуруш, ярамас, разил, диёнатсиз тушунчалари ҳам ифодаланади. Бу шундай ашаддий ҳақоратки, утмишда бу ҳақоратга асоссиз дучор бўлган орияти кучли одам ҳақорат этувчи кимса устидан қозига шикоят қилишгача борган.

Бизнинг замондошимиз бўлмиш иймонли одамни қискача шундай тавсифлаш мумкин: эътиқодли, узининг аниқ маслагига эга, тақводор, ҳамиятли, ориятли, ор-номусли, шарм-ҳаёли, виждонли, андигали, инсофли ва шу қаби фазилатлар соҳибидир.

Мамлумки, илм-фан тараққиёти инсоннинг ахлоқий қамолга етишида қатта аҳамиятга эга. Шунга қура ҳулқ одоб қоидаларини тарқиб топишишга "Қурыон" да асосий эътибор берилади.

Хар бир шахснинг, ҳамиятнинг раванқ топишида ахлоқнинг асосий роли тасвирлажи. Зеро, ҳамият аъзоси бўлган хар бир қишининг ахлоқсизлиги ҳамиятга қай даражада зарар етказса, яхши ахлоқли қишилар унинг раванқига шунча ҳисса қууадилар.

"Қурыон" да хар бир мумин мусулмон бажариши зарур бўлган яхши ҳулқлар инсонни ҳақиқий қамолотга ундовчи инсоний фазилатлардир, ёмонликнинг олдини олиш, қишиларга ёмонликнинг ҳунук оқибатларини тушунтириш ҳамда уларни доимо тугри йулда юришга қақаришдан иборатдир.

"Қурыон" да инсонда иймоннинг узига ҳос меъзони саналган саҳоват, меҳмоннавозлик, инсоф-диёнат, ростқуилик, ҳолаллик, ҳасорат, сабр қаноат, вафодорлик, меҳр-муҳаббат, содиқлик қатта эътибор берилган.

Иймон одамларни инсоф-диёнатга, ростқуилик ва ҳалилликка, меҳр оқибатга қорловчи оламдир.

3. Ислом ақидаларининг, унинг ахлоқий-ҳуқуқий тамойилларининг асосий манбаи "Қурыон"дир. Исломнинг шаръий маъноси - бу Аллоҳ ягона деб эътиқод қилиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқдик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга иймон қелтирмоқлик демақдир.

илоҳиётда ислом дини иймон, ислом ва эҳсондан иборат, деб эътироф этилган. Иймон талаблари ва Аллоҳга эътиқод, қаришталарга муқаддас қитоб ва пайғамбарларга, оҳират қунига, тақдири азалга ва улгандан қейин тилилишига ишонишдир.

Мусулмон таълимотига кура хар бир мусулмон ушбу бешта асосий рунни бажариши зарур: биринчиси "Ла илааха иллаллох ва Мухаммаду-р-расуллох" деб шаҳодатлик бериш; иккинчиси, намоз уқиш; учинчиси закот бериш, туртинчиси - рамазон ойила руза тутиш; бешинчиси имконига кура хаж килиш.

"Қуръон"да инсонда иймоннинг узига хос меъзони саналган саховат, меҳмоннавозлик, сабр-қаноат, тугрилиқ, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган. Шундаки, инсондаги ахлокий хислатлардан энг муҳими хайру сон ҳақида алоҳида фикр юритилади. Эҳсон-инсоннинг табиий вазифаси булиши кераклиги талкин этилади. Чунки Аллох барча неъматларни инсонга эҳсон этган, инсон ҳам шу неъматларни узила бошқаларга эҳсон этиши керак: "Аллох сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам инфок - эҳсон қил", - дейилади "Қасас" сурасининг 77-оятда

"Қуръони Қарим" да эҳсонга лойиқ кишиларга биринчи навбатда ота-оналар киритилади ва ота-она ҳақи белгилаб берилади. "Ал-Исро" сурасининг 23-24 оятларида ота-онага яхшилик - Аллох таоллога ибодат қилишдан кейин иккинчи вазифа сифатида таъкидланади. Ота-она қандай инсон булишидан қатъий назар, фарзанд уларга нисбатан ҳурмат саклаши, уларнинг сузларини қайтармаслиги, ота-она ҳам болани дунёга келтириши билан бирга фарзандга таълим тарбия ҳам берганлигини унутмай, ҳаққига доимо тайёр туриши таъкидланади.

"Қуръон" да факат ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзоларига: қариндошлар, етимлар, қамбағаллар, қуви-қушниларга ҳам яхшилик қилиш таъкидланган. "Нисо" сурасининг 36-оятда "Ота-онангизга ҳамда қариндош уруг, етим ва мискинларга, қариндош қушни ва бегона қушнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизда, йуловчи мусофига яхшилик қилингиз! дея кишиларни бири-бирига яхшилик қилишга ундайди.

"Қуръон" да сабр қаноатга юксак ахлокий фазилат сифатида катта эътибор берилади. Шунинг учун ҳам сабр "Қуръон" да, энг қўп зикр этиладиган ахлокий хислатдир. "Қуръон" да таълим берилишича сабр инсонда қуйидаги хислатларни қамол топтиради. Масалан, шижоат қийинчиликларга сабр қилиш натижасида намоён бўлса - шаҳваний ҳрисга сабр қилишдан иборат, ҳалимлик - жалҳга сабр қилиш меъзони сифатида талқил этилади.

"Қуръон" да инсонда, иймонда тарқиб топиши керак бўлган олий хислатлардан яна бири садокат, деб таълим берилади. Хар бир ҷамиятнинг равнақи шу ҷамиятда яшаётган кишиларнинг ватанига, ҳалқига, садолқатига ҳам боглиқдир. Садокат бор ҷойда иймон ишонч, эътиқод мавҷуд бўлади. Бу хислат ҷамият учун не чоғлиқ зарур бўлса оила учун ҳам шунчалиқ муҳимдир. "Қуръон" да садокат барча яхшиликларнинг дебоҳаси сифатида талқин этилади. Факат садокат орқали кишиларда бир бирига ишонч пайдо бўлади. Шунга кура Аллох мусулмонларни бир бирларига садокатли булишига ундадан "Эй муминлар, аллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида садокатлилар билан бўлингиз", - дейилади.

"Куръон" да кишилар уртасидаги узаро муносабатларни яхшилаш тугрисида ҳам гап борали ва бу олий даражадаги инсоний хислат булиб, пок калбий кишиларгина бунга эриша олади, дейилади. Бу хислат жамият микёсида булсин, хох одамлар орасида булсин, тинчлик осойишталик келтиради. Шунинг учун ҳам кишиларнинг узаро алокасини мустахкамлаш мусулмончилик талабаларидан саналади. "Хужурат" сурасининг 10-оятида: "Муминлар ҳеч шак-шубҳасиз ота-инилардир. Бас. Сизлар икки ога мингизнинг уртасини унглаб куйинглар", - дейилади.

Ижтимоий ҳаётда ҳар бир шахс ёки жамият кишиларининг фаровон ва бахтли ҳаёти уларнинг тинч тотув яшашига куп жихатдан боғлиқ. Шунга кура "Куръон"да кишилар уртасидаги узаро ёрдамга алоҳида аҳамият берилади. Яхшилик ва такводорлик йулида бир бирига ёрдам беришга чакирилади.

"Куръон"да яхшилик тушунчаси остида ростгуйлик, каноат, сахийлик, шихоат ва бошқа барча фазилатлар назарда тутилади.

"Куръон" да инсонни маънавий пок булиш, ҳавоий нафсдан сакланиш масалаларига ҳам эътибор берилган. Ҳаёий нафсга берилишнинг асосий сабаби сифатида киши иродасининг занфлиги ва илмсизлиги ёки илмнинг камлиги курсатилади. Чунки инсон билимсизлиги туфайли ҳаёий нафсга маҳкум этилади, шунга кура аклини ишлатиб, ҳаётда тугри йул тутишга даъват этилади. Масалани "Анъам" сурасининг 119 оятида "Шубҳасиз куп кишилар уз ҳаю-ҳаваслари билан билмаган ҳолларида узларини йулдан оздирурлар. "Рум" сурасининг 29-оятида "Золим кимсалар бирон билим - ҳужжатсиз ҳавоий нафсларга эргашиб Аллоҳ гаширк келтирдилар" каби фикрлар бунинг далилидир. Аллоҳга ширк келтириш эса иймонсизлик ҳисоблашади.

"Куръон" да яна инсонни ахлокий камолга етказишга зид хусусиятлар яъни иймон нуруни хиралаштирувчи: манманлик, ароқхурлик ва киморбозлик, ёлгончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, чакимчилик, гийбатчилик, маиший бузуклик, газабноклик, ҳасадгуйлик, очкузлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган. "Аъроф" сурасининг 146-оятида "Энди ерда ноҳақ кибру ҳаво килиб юрадиган, агар барча оят-муҷизаларни курсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, тугри ҳақ йулни курсалар уни йул килиб олмайдиган, агар залолат - нотугри йулни курсалар уни йул килиб оладиган кимсаларни уз оят муҷизаларимдан буриб юборурман, яъни англаб етмайдиган килиб куюрман дейилади.

ислом дини таълимотида "Куръони Карим" дан кейин асосий манба ҳадислардир. Ҳадис илми билан шугулланиш асосан VIII - асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, унга ёнг билимдон, муътабар шахсларгина тартиб берган.

Муҳаммад аллахиссаломнинг ибратли ишлари, эътикод, поклик ва инсонга хос маънавий ахлокий хислатларни ифодаловчи сузлари, панд насихатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадисларда инсоннинг камолига етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган булиб, улар меҳр оқибат курсатиш, сахийлик,

очик кунгиллилик, ота она ва катталарга, кариндошларга гамхурлик, хурмат, факр-бечораларга мурувват, ва танга мухаббат, меҳнат ва касб хунарни улуглаш, ҳалоллик, полик, узаро дуст, тинч тотув булиш ва бошқалардан иборатдир. Бундан ташқари инсонни узини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд насихатлар ҳам уз ифодасини топганики. буларнинг барчаси Куръони Карим қрусатмаларидан келиб чиқади қва қомил инсонни шакллантириш меъзони саналади.

Аввало, Ислом ақидасга биноан ҳар бир мусулмон иймонли булиши керақдир. Куръони Карима таъкидланганидек, ҳадиснинг ҳам биринчи китоби иймон китобидир. Исломдан мурод иймон демақдир. Иймоннинг муқаммал булмогининг уч шарти қурсатилади: туғри эътиқодли булмоқ;

- уқишлар билан яхши муносабатда булмоқ; қиши уз устида ишламоғи ва узини ибодат ва итотга қиниктирмоғи зарур.

Иймон дарахтга тенглаштирилади ва унинг 6 % дан ортиқ шохлари бор деб, иймон белгилари санаб утиладики, буларнинг ҳар бири маънавий қиёфасининг муқаммалашувига таъсир этувчи ҳислатлардир. Булар қуйидагилардан иборат: "Қули билан ва тили билан узғарларга озор бермаган қиши мусулмондир"; "Узи яхши қурган нарсани биродаринғизга раво қурмағунинғизча ҳеч биринғиз қинақам мумкин була олмайсиз". "Уқта ҳислатни узида муҷассам қилган қишининг иймони муқаммал булғайдир":

- инсоғли ва адолатли булмоқ;
- барчага салом бермоқ
- қамбағаллиғида ҳам садақа бериб турмоқ".

Бундан ташқари қишлар учун ҳос булмаган муноғиклик иллатлари ҳам қурсатиб утилади: Расулulloх саллолдох у алайҳи васаллам айтганлар: "Қуйидаги туртта иллат қимда булса, аниқ муноғик булғайдир, қимдақи улардан биттаси булса, уни тарқ этмағунча муноғикликдан бир иллати бор экан дейиладир.

- омонатга ҳиёнат қилғайдир;
- сузласа ёлғон сузлағайдир;
- шартнома тузса шартида турмағайдир;
- урушиб қолса қек сақлағайдир ва ноҳақлик қилғайдир

Ҳадисларда инсоний ҳислатлардан эзғулик ифғат сабр қаноат шукроналик қаби ахлоқий ҳислатлар улугланса, исроғгарқилиқ, таъмағирлик, очқузлик, нафсу ҳавога, шаҳвоний ҳислатларга, ҳиссиётларга берилиш, баҳиллик, жоҳиллик қаби иллатлар қараланди. "Яхши сийрат, қиройли ҳайъат ва ҳар бир ишда иқтисодқилиқ етмиш ҳислатдан бири булағидир" дейилади ҳадисларда. Бунда яхши сийрат деғанда яхши муомала; қиройлик ҳайъат - бу ташқи қуринишни яхшилаб қуриш; иқтисод ҳар бир ҳатти ҳарактда меъёрни назарда тутилади. Мазқур ҳадислар Расулulloхнинг "Сизларнинг уқта ишинғиз учун Аллох таолло рози ва уқта ишинғиз учун газаблик булади: биринқиси ибодатдан оллохнинг узигағина қилиб, ибодатга бошқа нарсаларни унга шерик қилмаслиғинғизга; иққинқиси оллох таолланинғдини ва "Қуръонига эътиқод қилмоғинғизга; уиқнқиси, Аллох таолло Сизга қилиб қуйган қишига ҳайри ҳох булмоғинғизга рози

булса. булар булмас гапни накл килишиб юрмогингизга, куп суриштиравишлик ёки сурашлик (гадойлик килиш) ва молни ноурин ерларга сарф килиб зое килмогингизга газалбланади".- деганларни исботлайди.

Демак, хадислар Мухаммад пайгамбарнинг суннатлари булиб, мазмунан хар бир муминнинг ишончини, эътиқодини мустахкамлаблайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун хам хар бир шахсни аклий жисмоний, ахлокий жихатдан камолга етказишга оид эътикод ва иймон булиб, факат эзгуликка хизмат килиш, олийжаноб булиш, покиза юриш, лукмани халол килиб ейиш, жахолитга йул куймаслик, уз биродарнинг кариндош уругларнинг, милатининг ва Ватанининг кадриятларини асрашдан иборатдир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Иймон, эътикод, мусулмон, Куръони Карим, Хадиси Шариф, икром, амал, иймони ташкил килувчи мукоммал уч хислат, мунофиклик иллатлари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Иймонни хосил килувчи уч омил?
2. Иймонли одамни кандай тасаввур киласиз?
3. Иймон талаблари кайсилар?
4. иймон нуруни хиралаштирувчи кишилардаги учрайдиган хусусиятлари кайсилар?

АДАБИЁТЛАР

1. Хадис. 1,2,3 китоблари. Тошкент "Мерос" 1991
2. Мухаммад Найгамбар Хадислари. Тошкент Мерос 1991
3. Куронни Карим оятлари. Тошкент. Мерос. 1991
4. Ахлок-одобга оид хадис намуналари. Тошкент Фан 1990